

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

“ГЕОФИЗИКА”

йўналиши

**“ГЕОФИЗИКАДАГИ ЗАМОНАВИЙ ҚАЙТА ИШЛАШ
ВА ТАЛҚИН ҚИЛИШ КОМПЛЕКСЛАРИ”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент – 2016

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ**

**“ГЕОФИЗИКАДАГИ ЗАМОНАВИЙ ҚАЙТА
ИШЛАШ ВА ТАЛҚИН ҚИЛИШ
КОМПЛЕКСЛАРИ ”
модули бўйича
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тузувчилар: Д.Х.Атабаев
 Д.Д.Хусанбаев**

Тошкент 2016

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи:

ЎзМУ, ф-м.ф.д., профессор
А.А. Холмуминов

Такризчи:

Катцухиро Накамуро,
ЎзМУнинг физика факультети
хамда Осака шаҳар
университетининг нафақадаги
профессори (**Япония**).

*Ўқув -услубий мажмуа ЎзМУнинг Университет кенгашининг 2016 йил
7-сентябрдаги 1-сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	13
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	61
V.КЕЙСЛАРБАНКИ.....	80
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	81
VII. ГЛОССАРИЙ	82
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	85

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш.

Мазкур дастур ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим соҳасида эришган ютуқлари ҳамда орттирган тажрибалари асосида “Геофизика” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун тайёрланган намунавий ўқув режа ҳамда дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Геофизикадаги замонавий қайта ишлаш ва интерпретациялаш комплекслари” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари.

“Геофизикадаги замонавий қайта ишлаш ва талқин қилиш комплекслари” **модулининг мақсад ва вазифалари:**

- Геофизик маълумотларни ЭҲМда қайта ишлаш ҳамда талқин қилиш асосларининг ривожланиш. Геофизик маълумотларни ЭҲМда қайта ишлаш ҳамда талқин қилишнинг мақсади, ахамияти ва муҳимлиги. Геофизикада дала ишларидан олинган катта ҳажмдаги маълумотлар базасини яратиш. Геофизик маълумотларни қайта ишлашнинг ва талқин қилишнинг замонавий комплексларидан фойдаланишни ўргатиш ва уларни амалиётда қўллаш малакавий кўникмаларини шакллантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар.

“Геофизикадаги замонавий қайта ишлаш ва талқин қилиш комплекслари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- Сейсморазведка маълумотларини қайд қилиш, уларнинг ахамияти, асосий формат турлари. Сейсморазведка маълумотларни қайта ишлаш босқичи ҳақида умумий тушунча. “Геовектор +” ва “Интеграл” дастурлари тўғрисида асосий тушунчалар;

- ҚГТ маълумотларни қайта ишлаш босқичи ҳақида умумий тушунча. “Геопоиск”, “Techlog”, “Ingew” ва “Solver” дастурлари тўғрисида асосий тушунчалар;

- Электроразведка маълумотларни қайта ишлаш босқичи ҳақида умумий тушунча. “Zond” дастури тўғрисида асосий тушунчалар ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

Тингловчи:

- Сейсморазведка маълумотларни қайта ишлаш натижасида “Геовектор +” ва “Интеграл” дастурлари ёрдамида сейсмогеологик кесимлар кура олиш;

- ҚГТ маълумотларни қайта ишлаш натижасида “Геопоиск”, “Techlog”, “Ingew” ва “Solver” дастурлари ёрдамида якуний маълумотлар олиш;

- Электроразведка маълумотларни қайта ишлаш натижасида “Zond” дастури ёрдамида якуний геоэлектрик кесим олиш **кўникма ва малакаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

- “Petrel” ва “Micromine” дастурларида геофизик маълумотларини талқин қилиш;

- “Petrel” ва “Micromine” дастурларида талқин қилинган геофизик маълумотлар асосида моделлаш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.

“Геофизикадаги замонавий қайта ишлаш ва талқин қилиш комплекслари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги.

“Геофизикадаги замонавий қайта ишлаш ва талқин қилиш комплекслари” модули мазмуни ўқув режадаги “Нефть ва газни геофизик усуллар билан қидириш, разведка қилиш” ва “Қудуқлардаги геофизик ва геологик-технологик тадқиқотлар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни.

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар геофизикадаги замонавий қайта ишлаш ва талқин қилиш дастурларининг назарий асосларини ўрганиш, уларни амалда қўллаш каби касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти.

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклараси			Мустақил таълим
			Жами	жумладан		
				Назарий	Амалий машғулот	
1.	Стационар компьютерлар асосида махсус қайта ишлаш комплексларини қўллаш.	4	4	2	2	
2.	Геологик-геофизик маълумотларни қабул қилиш ва интерпретациялаш.	4	4	2	2	
3.	Фойдаланиладиган замонавий компьютер комплексларининг (махсус ишчи станциялар, махсус дастурий таъминот, ташқи қурилма) қўлланилиши.	8	6	2	4	2
4.	Геофизик масалаларни ечишда замонавий компьютер дастурий қайта ишлаш ва интерпретациялаш комплексларидан фойдаланиш.	4	4	2	2	
5.	Геофизик ахборотлар базасига ахборотларни киритиш.	4	4	2	2	
6.	Кўчма машғулот	4	4			
	Жами:	28	26	10	12	2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Стационар компьютерлар асосида махсус қайта ишлаш комплексларини қўллаш.

“Геофизик маълумотларни ЭҲМда қайта ишлаш” фани физик майдонларни ва ҳодисаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш усулларига асосланган. Физик майдонларни Ер юзасида, тоғ қазилмаларида, бурғи қудуқларида, денгизда, уммонда, атмосфера ва космосда ўрганиш мумкин.

Геофизик маълумотларни ЭҲМда қайта ишлашни мақсади - геологик

кесимни тузилиши тўғрисида маълумотларни олиш ва фойдали қазилмаларга истиқболлилиги тўғрисида хулоса чиқариш.

2 - мавзу: Геологик-геофизик маълумотларни қабул қилиш ва интерпретациялаш.

Сейсморазведка дала ишларидан олинган катта ҳажмдаги маълумотлар тўғрисида тушунчалар. Сейсморазведка маълумотларини қайд қилиш, уларнинг ахамияти, асосий формат турлари. Сейсморазведка маълумотларни қайта ишлаш босқичи ҳақида умумий тушунча. “Геовектор +” ва “Интеграл” дастурлари тўғрисида асосий тушунчалар. “Геовектор +” ва “Интеграл” дастурларида қайта ишлашдан олинган якуний кесим.

3 - мавзу: Фойдаланиладиган замонавий компьютер комплексларининг (махсус ишчи станциялар, махсус дастурий таъминот, ташқи қурилма) қўлланилиши.

ҚГТ дала ишларидан олинган маълумотлар тўғрисида тушунчалар. ҚГТ маълумотларини қайд қилиш, уларнинг ахамияти, асосий формат турлари. ҚГТ маълумотларни қайта ишлаш босқичи ҳақида умумий тушунча. “Геопоиск”, “Techlog”, “Ingew” ва “Solver” дастурлари тўғрисида асосий тушунчалар. “Геопоиск”, “Techlog”, “Ingew” ва “Solver” дастурларида қайта ишлашдан олинган якуний маълумотлар.

4 - мавзу: Геофизик масалаларни ечишда замонавий компьютер дастурий қайта ишлаш ва интерпретациялаш комплексларидан фойдаланиш.

Электроразведка дала ишларидан олинган маълумотлар тўғрисида тушунчалар. Электроразведка маълумотларини қайд қилиш, уларнинг ахамияти, асосий формат турлари. Электроразведка маълумотларни қайта ишлаш босқичи ҳақида умумий тушунча. “Zond” дастури тўғрисида асосий тушунчалар. “Zond” дастурида қайта ишлашдан олинган якуний геоэлектрик кесим. Георадар усули ҳақида умумий тушунча. Георадар маълумотларни қайта ишлаш босқичи ҳақида умумий тушунча. “PulsECOpro” дастурида қайта ишлашдан олинган якуний маълумотлар.

5 - мавзу: Геофизик ахборотлар базасига ахборотларни киритиш. Қайта ишлашда статик ёндашув.

Гравиразведка ва магниторазведка дала ишларидан олинган маълумотлар тўғрисида тушунчалар. Гравиразведка ва магниторазведка маълумотларини қайд қилиш, уларнинг ахамияти, асосий формат турлари. Гравиразведка ва магниторазведка маълумотларни қайта ишлаш босқичи ҳақида умумий

тушунча. “Zond” ва “Oasis montage” дастурлари тўғрисида асосий тушунчалар. “Zond” ва “Oasis montage” дастурларида қайта ишлашдан олинган якуний аномал майдонлар харитаси.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-аалий машғулот

Стационар компьютерлар асосида махсус қайта ишлаш комплексларини қўллаш.

Сейсморазведка маълумотларини қайта ишлашда геофизик ахборотлар базасига ахборотларни киритиш, қайта ишлашда статик ёндашув. “Геовектор +” ва “Интеграл” дастурларини ўрнатиш ва созлаш. Сейсморазведка маълумотларини юклаш, тузатмалар киритиш ва қайта ишлаш. Якуний сейсмогеологик кесимларни олиш.

2-амалий машғулот

Геологик-геофизик маълумотларни қабул қилиш ва интерпретациялаш.

ҚГТ маълумотларини қайта ишлашда геофизик ахборотлар базасига ахборотларни киритиш, қайта ишлашда статик ёндашув. “Геопоиск”, “Techlog”, “Ingew” ва “Solver” дастурларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш.

3-амалий машғулот

Фойдаланиладиган замонавий компьютер комплексларининг (махсус ишчи станциялар, махсус дастурий таъминот, ташқи қурилма) қўлланилиши..

Электроразведка маълумотларини қайта ишлашда геофизик ахборотлар базасига ахборотларни киритиш, қайта ишлашда статик ёндашув. “Zond” дастурини ўрнатиш ва созлаш. Маълумотларини юклаш, тузатмалар киритиш ва қайта ишлаш. Якуний геоэлектрик кесимларни қуриш. Георадар маълумотларини “PulsECSpro” дастурида қайта ишлаш.

4-амалий машғулот

Геофизик масалаларни ечишда замонавий компьютер дастурий қайта ишлаш ва интерпретациялаш комплексларидан фойдаланиш.

Гравиразведка ва магниторазведка маълумотларини қайта ишлашда геофизик ахборотлар базасига ахборотларни киритиш, қайта ишлашда статик ёндашув. “Zond” ва “Oasis montage” дастурларини ўрнатиш ва созлаш.

Маълумотларни дастурлар ёрдамида қайта ишлаш геоизчилик ва геомагнит моделларни қуриш асослари.

5-амалий машғулот

Геофизик ахборотлар базасига ахборотларни киритиш. Қайта ишлашда статик ёндашув.

Гравирозведка ва магниторозведка дала ишларидан олинган маълумотлар тўғрисида тушунчалар. Гравирозведка ва магниторозведка маълумотларини қайд қилиш, уларнинг ахамияти, асосий формат турлари. Гравирозведка ва магниторозведка маълумотларни қайта ишлаш босқичи ҳақида умумий тушунча. “Zond” ва “Oasis montage” дастурлари тўғрисида асосий тушунчалар. “Zond” ва “Oasis montage” дастурларида қайта ишлашдан олинган якуний аномал майдонлар харитаси.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ:

Мазкур модул маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, аклий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Ўқув-топширик турлари	Максимал балл	Баҳолаш мезони		
		2,5	"аъло" 2,2-2,5	"яхши" 1,8-2,1	"ўрта" 1,4-1,7
1.	Тест-синов топширикларини бажариш	0,5	0,4-0,5	0,34-0,44	0,28-0,3
2.	Ўқув-лойиҳа ишларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7
3.	Мустақил иш топширикларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“Кейс-стади” методи.

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари.

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали фойдаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига

хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадilar;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадilar ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадilar.



“Брифинг” методи.

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Такдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг яқунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг такдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: СТАЦИОНАР КОМПЬЮТЕРЛАР АСОСИДА МАХСУС ҚАЙТА ИШЛАШ КОМПЛЕКСЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ.

РЕЖА:

1.1. Геологик масалаларни ечишда геофизик усуллари

1.2. Физик майдонлар

1.3. Геофизикада тўғри ва тескари масалалар

Таянч иборалар: бир жинсли қатлам, градиент, градиент қатлам, бир жинсли-қатламли муҳит, кучланиш, деформация, чўзилиш-сиқилиш.

1.1. Геологик масалаларни ечишда геофизик усуллари.

Геологик масалаларни ечишда геофизик усуллари кенг қўлланилади. Шунинг учун геолог-геофизика фани тўғрисида умумий тушунча ва геофизик усуллар ёрдамида турли геологик вазифаларни ечиш имкониятлари ва натижаларини талқин қилиш асосларини билиш керак¹.

Геофизика атамаси – “гео” – ер, “физика” – физика, яъни “Ер физикаси” деган маънони билдиради. Бу фан Ер пўстида, мантияда ва ядрога бўлиб ўтадиган физик жараёнлар ва ҳар хил тоғ жинслар ва тузилмалар таъсирида ҳосил бўлган физик майдонлар тузилишини, кучланишини ўрганади.

Геофизика фани уч бўлимга бўлинади: Ер физикаси, гидрофизика, атмосфера физикаси.

“Ер физикаси” фани “литосфера геофизикаси” ва “геофизик тадқиқот усуллари” бўлимларига ажратилади.

Геофизика фани геология, геодезия, география, геохимия, физика ва астрономия фанларига яқин. У физика, геология ва астрономия фанлари асосида XIX – аснинг охирида ва XX – аснинг бошланишида ҳосил бўлган ва ривожланган.

Геофизик тадқиқот усуллари – Ер пўстининг геологик тузилишини ўрганади ва асосий мақсади фойдали қазилмаларни излаш ва разведка қилиш ва ҳар хил амалий масалаларни ечиш (масалан, турли муҳандислик геология масалалари).

“Геофизик маълумотларни ЭХМда қайта ишлаш” фани физик майдонларни ва ҳодисаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш усуллари асосланган. Физик майдонларни Ер юзасида, тоғ қазилмаларида, бурғи қудукларида, денгизда, уммонда, атмосфера ва космосда ўрганиш мумкин.

¹ William Lowrie. Fundamentals of physics. Second edition. Cambridge University Press 2007. 381pp.

Геофизик маълумотларни ЭҲМда қайта ишлашни мақсади - геологик кесимни тузилиши тўғрисида маълумотларни олиш ва фойдали қазилмаларга истикболлилиги тўғрисида хулоса чиқариш. Физик майдон деганда, Ер ёки унинг маълум бир қисмидаги физик параметрларнинг кўплаб қийматларини тушунамиз. Геологик нуқтаи назардан олиб қараганда, ҳар хил тоғ жинслари, яхлит тузилмалар, бир жинсли табақалар, маъданли жисмлар турлича физик хусусиятларга эга. Масалан, электр ўтказувчанлик, магнит қабул қилувчанлик, сейсмик тўлқинларнинг турлича тарқалиши ва ҳоказо.

1.2. Физик майдонлар.

Ҳар бир тоғ жинси атрофдаги муҳитда ҳар хил физик хоссаларнинг таъсири натижасида физик майдонлар ҳосил қилади. Ҳар бир тоғ жинси атрофдаги муҳитда (ташқи майдонлар) ва ўзининг ичида (ички майдонлар) бир катор физик майдонларни яратади. Ташқи майдонларнинг параметрларини ўлчаб геофизик маълумотларни ЭҲМда қайта ишлашни, майдон манбаси тўғрисида маълумотларни ЭҲМда олиш мумкин.

Физик майдонлар ҳам табиий, ҳам сунъий бўлиши мумкин.

Табиий физик майдонлар табиатнинг яратиши билан боғлиқ – гравитацион (тортишиш майдони, оғирлик кучи майдони), магнит, электр, электромагнит, зилзила натижасида ҳосил бўлган сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш майдони, радиоактив нурланиш, термик майдон бўлади².

Сунъий физик майдонлар инсоннинг табиатга таъсири билан боғлиқ – электр, электромагнит, зарба ёки портлатиш натижасида ҳосил бўлган сейсмик тўлқинларни тарқалиш майдони, термик (иситиш ёки совутиш майдони), сунъий радиоактив нурланиш майдони.

Гравитацион майдон оғирлик кучи тезланиши (эркин тушиш тезланиши) ва гравитацион потенциалнинг иккинчи тартибли ҳосилалари билан таърифланади. Магнит майдон кучланишнинг тўлиқ вектори (T) ва унинг бошқа ташкил этувчилари билан (вертикал Z , горизонтал H ва ҳоказо), электромагнит майдони – майдоннинг магнит (H) ва электр (E) векторлари, сейсмик майдон эластик тўлқинларининг тарқалиш вақти, тезлиги ва даври билан, термик майдон ҳароратни тақсимланиши билан ЭҲМда кўрилади ва таърифланади.

Битта ёки бир нечта физик майдонларнинг параметрларини ўлчаб туриб тоғ жинсларининг хоссалари тўғрисида ва тадқиқот қилинган ҳудуднинг геологик тузилиши ҳақида маълумот ЭҲМда олиш мумкин.

Ҳар бир физик майдон ва унинг параметрлари тоғ жинсларининг майдон ва чуқурлик бўйича физик хоссаларининг тақсимланишига асосланган.

² William Lowrie. Fundamentals of physics. Second edition. Cambridge University Press 2007. 381pp.

Масалан, гравитацион майдон тоғ жинсларининг зичлигига(σ) асосланган, электр ва электромагнит майдон тоғ жинсларининг солиштирма электр қаршилигига(ρ), диэлектрик(ϵ) ва магнит(μ) сингдирувчанлигига, электрокимёвий активлигига(α) ва кутбланишига(η) асосланган.

Тоғ жинсларининг физик хоссалари ҳар хил бўлиши мумкин. Ҳар хил тоғ жинсларининг физик хоссалари бир хил бўлиши мумкин. Масалан, гранит ва оҳактошнинг зичлиги 2.65 г/см^3 , лекин гранитда магнит қабул қилувчанлик(χ) катта. Гранит ва оҳактошларни ажратиш учун гравитацион ва магнит усулларини мажмуаси қўлланиши керак.

Базальт ва тош тузида сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги бир хил, лекин базальтнинг зичлиги катта. Уларни ажратиш учун гравитацион ва сейсмик усулларнинг мажмуаси қўлланиши керак.

Физик майдоннинг параметрлари геологик жинсларнинг хоссалари, ўлчамлари ва ётиш чуқурлигига боғлиқ.

1.3. Геофизикада тўғри ва тескари масалалар.

Геофизикада тўғри ва тескари масалаларининг тушунчаси мавжуд. Тўғри масаланинг ечилиши: жисмларнинг аниқ бўлган шакллари, ўлчамлари, ётиш чуқурлиги ва физик хоссаларидан физик майдоннинг параметрларини ҳисоблаш. Бу масала аниқ ечимга эга³.

Тескари масаланинг ечилиши: ўлчанган физик майдон параметрлари бўйича жисмларни ўлчамларини, ётиш чуқурлигини ва хоссаларини аниқлаш. Тескари масала кўп ечимга эга.

Геофизикада геофизик майдонлар кузатилган, нормал, аномал ва ўзгартирилган майдонларга ажратилади.

Кузатилган физик майдон –далада тўғридан-тўғри ўлчаб олинган миқдорлар ЭҲМда майдони ҳисобланади.

Нормал физик майдон-бир жинсли муҳит устида ҳосил бўлган майдон, регионал геофизик текширишларда эса, Ернинг табиий магнит ва гравитацион майдонларидир: Нормал физик майдон, одатда ўлчанган миқдорларни силлиқлаштириш – ўртача қийматга келтириш йўли билан ЭҲМда олинади.

Аномал физик майдон – кузатилган майдон миқдорларини нормал физик майдон миқдорларидан фарқланиши. Улар геологик муҳитнинг бир жинсли эмаслигидан ҳосил бўладилар. Геофизика геологик жисмларнинг физик хоссалари ва геометрик ўлчамлари ўзгариши натижасида ҳосил бўлган аномал физик майдонларни аниқлашга ҳизмат қилади.

Ўзгартирилган физик майдон – кузатилган (нормал ва аномал) майдон қийматларини ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган миқдорлар майдони.

³ William Lowrie. Fundamentals of physics. Second edition. Cambridge University Press 2007. 381pp.

Масалан: бошқа баландликлар учун ҳисоблаб чиқилган миқдорлар майдони, кузатувлардан олинган оғирлик кучи тезланишининг иккинчи тартибли ҳосилалар майдони ва ҳоказо.

Ўрганилаётган ернинг физик майдон турларига асосан геофизикада гравитацион қидирув (поиск), магнит қидирув, электр қидирув, сейсмик қидирув, геотермик қидирув (термометрия), ядровий геофизикага бўлинади.

Ечилиш масалалари бўйича геофизик усуллари куйдагиларга бўлиш мумкин:

1. Чуқурлик геофизикаси – Ер тузилиши ва унинг қобикларининг физик хоссалари ҳақида маълумотлар беради.

2. Худудий геофизика – Ер пўстини ва 1 дан 10; 15км.гача чуқурликларни тузилмаларни тектоник хариталашда ишлатилади. Мақсади – нефть ва газ конларини қидириш.

3. Қидирув хариталаш геофизикаси – чуқурлиги 1км гача бўлган кесимни ўрганади ва йирик геологик хариталаш масалаларни ечади. Мақсади - фойдали қазилма конларини қидириш ва муҳандислик –геологик ва гидрогеологик умумий хариталаш.

4. Тузилмалар геофизика – геологик тузилмаларни ўрганиш.

5. Нефть ва газ геофизикаси – нефть ва газ тутқичларни аниқлаш ва уларни қидирув бурғилашга тайёрлаш.

6. Маъданлар геофизикаси – маъданли фойдали қазилмаларнинг аломатлари бўйича излаш ва қидирув ишларини олиб бориш.

7. Номаъдан ва кўмир геофизикаси – номаъдан фойдали қазилмалар ва кўмирни қидириш ва қидирув ишларини олиб бориш.

8. Муҳандислик геофизикаси – муҳандислик геология ва гидрогеология масалаларини ечишга йўналтирилган.

9. Петрофизика – тоғ жинсларининг физик хоссаларини ўрганади.

Назорат саволлари:

1. Кучланиш нима?
2. Деформация нима?
3. Бўйланма тўлқинлар ва уларнинг хусусиятлари?
4. Кўндаланг тўлқинлар ва уларнинг хусусиятлари?
5. Геометрик оптика нимага асосланган?
6. Тўлқин fronti нима?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. William Lowrie. Fundamentals of physics. Second edition. Cambridge University Press 2007. 381pp.
2. Хайн В.Е. Основные проблемы современной геологии.—М.: Научный мир, 2003. —348 с.
3. Statistical Methods of Geophysical Data Processing \ by Kiselev Yurii, Yurii Kiselev. Cambridge University Press, Англия, 2011

РЕЖА:

- 2.1. Сейсморазведка усули
- 2.2. Дастлабки қайта ишлаш босқичи
- 2.3. Кинематик ва статистик тузатмаларни корреляцияси қилиш ва киритиш
- 2.4. Якуний кесимларни олиш

Таянч иборалар: *бир жинсли қатлам, градиент, градиент қатлам, бир жинсли-қатламли муҳит, кучланиш, деформация, чўзилиш-сиқилиш.*

2.1. Сейсморазведка усули.

Сейсмик қидирув (сейсморазведка) – геофизик усуллардан бири бўлиб, турли сунъий йўллар (зарба, кўзғатиш) билан ҳосил қилинган эластик тўлқинларнинг тарқалашига асосланади ва Ернинг тузилишини, геологик муҳитни ўрганишда, нефть ва газ конларини ҳамда бошқа қазилма бойликларини излашда, муҳандислик-геология масалаларини ечишда қўлланилади.

Тоғ жинсларини эластиклик хусусияти ҳар хил бўлганлиги учун улар орқали ўтадиган эластик тўлқин ҳам ҳар хил тезликларда тарқалади. Бунинг оқибатида турли қатламлардан ташкил топган Ер қаърида тўлқин тезлиги ўзгариши билан бир қаторда, шу чегаралардан тўлқиннинг қайтиши, синиши ва бошқа хусусияти юзага келади. Шу тўлқинларни қайд (ёзиб олиш) қилиш натижасида, турли тезликларни таҳлил қилиб, ернинг ички тузилиши тўғрисида маълумот олиш мумкин.

Сейсморазведка усули тўлқинларнинг кинематик ҳолатини ўрганишга, тўлқин пайдо бўлган нуқтадан уни қабул қилувчи қурилмагача бўлган масофагача турли тўлқинларни етиб келиш вақтларини ўлчашга асосланган. Тупроқнинг жуда кучсиз ҳаракатлари сейсмоприёмникларда (тўлқинларни қабул қилувчи мослама) ҳосил қилинган электрик тебранишлар, махсус анчагина мураккаб қурилмаларда (сейсмостанциялар) кучайтирилади ва сейсмограммаларда ҳамда магнитограммаларда автоматик равишда ўз ифодасини топади⁴.

Сейсморазведкада иккита асосий усул мавжуд: қайтган тўлқин усули (ҚТУ-МОВ) ва синган тўлқин усули (СТУ-МПВ). Бошқа тўлқинларни ўрганиш усуллари амалиётда кам қўлланилади.

⁴ Statistical Methods of Geophysical Data Processing \ by Kiselev Yurii, Yurii Kiselev. Cambridge University Press, Англия, 2011

Кенг майдонлардаги ўта мураккаб вазифаларни ечишда тўлқинларни пайдо бўлишидан то қабул қилинишигача, геологик кесимларни юқори аниқликдаги геометрик ҳолатини белгилаш бўйича кўп марта ўлчаш, маълумотларни қайта олиш ва уларни ЭХМларда ҳисоблаб чиқишни тақозо этади. Уларни таҳлил қилиш натижасида сейсмогеологик чегараларнинг жойлашган чуқурлигини, уларнинг ётишини, чўзилишини, тўлқинларни тезлигини аниқлаш мумкин, геологик маълумотлар асосида эса, аниқланган чегараларнинг геологик табиатини белгилаш мумкин.

Турли вазифаларни ҳал қилиш бўйича сейсморазведка чуқурлик, структурали, нефтгазли, маъданли ва муҳандисли турларига бўлинади. Қандай сатҳда тадбиқ қилиниши бўйича сейсморазведканинг Ер юзидаги, акваториал (денгиз), Ер остидаги (бурғи қудуқларда) турлари мавжуд. Эластик тўлқиннинг тебраниш частотасига қараб юқори частотали (100 гц дан катта), ўрта частотали (бир неча ўн гц) ва паст частотали (10 гц дан кичик) сейсморазведка турларига ажратилади. Эластик тўлқиннинг частотаси қанчалик юқори бўлса, шунчалик тез сўнади ва кичик чуқурликни қамраб олади.

Сейсморазведка – геофизик усуллари ичида жуда муҳим ва кўп ҳолатларда жуда аниқ (қўл меҳнат талаб қилсада) усуллардан биридир. Турли геологик муаммоларни ечишда сейсморазведка бир неча метрдан (жинсларни физик-механик хусусиятини ўрганишда) бир неча ўн, ҳатто юз километрларгача (Ер қобиғини ва юқори мантияни ўрганишда) чуқурликни қамраб олади.

Сейсморазведка 20-асрнинг 20-йилларида сейсмологиянинг (зилзилани ўрганувчи фаннинг) бир бўлими сифатида юзага келди. 1923-1925 йилларда сейсморазведка Россияда турли геологик жумбоқларни ечишда, айниқса нефт геологиясида кенг қўлланила бошланди. Ҳозирги вақтда барча геофизик тадқиқотларнинг тўртдан бир қисми сейсморазведка усулларига тўғри келади.⁵

2.2. Дастлабки қайта ишлаш босқичи.

Замонавий рақамли сейсмостанциялари орқали қайд этилган бошланғич маълумотни киритиш жараёни DEMUX ёрдамида ПЭВМ да амалга оширилади. Квантовка қадами 2 мс ва 4 мс АРУсиз R2 форматда.

Натижалар тасмага туширилиб, кейинчалик “Геовектор Плюс” дастурида қайта ишланади. Барча оралиқ натижалар ва якуний кесимларнинг бошланғич материални чиқариш автоматик плоттерда амалга оширилади.

⁵ Wallace F. Lovejoy, Paul T. Homan// Methods of Estimating Reserves of Crude Oil, Natural Gas, and Natural Gas Liquids United Kingdom, 2015, English

Дастлабки қайта ишлаш босқичида бошланғич материал киритилиб, визуал баҳоланган ҳамда унинг оператор ҳисоботларига мослиги текширилади. Сифатсиз трасса ва бутун сейсмограммалар бракка чиқарилади.

Слаломли профилларни қайта ишлаш дастлабки босқичда қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

- экранда профилнинг портлаш пикетлари билан жойлашиши, қабул қилиниши, шунингдек қайтариш нуқталари эпицентри ва белгиланган интерпретация чизиқларини (модуль ДТВХУ) кўриб чиқиш;

- кейинги қайта ишлаш учун бошланғич материал ҳисобланган ОГТ таркибий қисмлари тўпламини олиш.

Сейсмик материалларнинг сифатини пасайтирувчи камчиликлардан бири олинган сейсмик кесимларнинг ёмон ўқилишидир. Шунинг учун ишлаб чиқариш графига геофизикларга атроф муҳитнинг тузилиши ҳақида кўпроқ маълумот берадиган жараёнлар киритилган. Сигнал когерентлигини кучайтирадиган, доимий бўлмаган шовқинларни камайтирадиган, аномал (ANTIB, OISY, FXNAT) амплитудаларни пасайтирадиган технологик занжир ишлаб чиқилди ва бу сейсмик ёзувлар ўқилишини яхшилайдди.

Бутун кесим бўйлаб кузатиладиган чизиқли ҳалақит берувчи тўлқинларни камайтириш FKFIL (тахминий тезлиги 3000 м/с гача бўлган ҳалақит қилувчилар учун) жараёни ёрдамида амалга оширилади, катта тезликдаги чизиқли ҳалақит қилувчи тўлқинлар SIEVE жараёни ёрдамида филтрланади⁶.

Устки шароитларни чиқариб ташлаш ва сигнални кўзғатишнинг вибрацион усулида олинган бошланғич трассаларнинг амплитуда - частотали спектрини текислаш учун устки шароитларнинг бир хил эмаслигини ҳисобга олувчи деконволюция (DECSC) ишлатилади.

Интерференцион тебраниш ва шовқин фониди йўлдош тўлқинларни пасайтириш, сигнални қисиш, ёзувнинг ўқилишини яхшилаш ҳамда динамик ифодани ошириш учун ҳар бир трасса бўйлаб ўтказиладиган, деконволюцияни олдиндан айтиб берадиган (TRITA) программасидан фойдаланилади.

Деконволюция туфайли келиб чиқадиган шовқинни босиш учун частота-майдон ҳудудида тасодифий ҳалақит қилувчи тўлқинларни йўқотадиган жараён (FXNAT) ишлатилади.

Шу каби тез мураккаблашадиган шароитларда геологоразведка ишларининг етарли самарадорлигини таъминлаш учун дала ишлари методикаси ва технологиясини доимий яхшилаб бориш ҳамда иложи борица аввал тўпланган материаллардан тўлиқ фойдаланиш зарур. Бунинг учун эса

⁶ Statistical Methods of Geophysical Data Processing \ by Kiselev Yurii, Yurii Kiselev. Cambridge University Press, Англия, 2011

янги, балки истиқболли объектлари топиш ва энг самарали технологияларни танлаш мақсадида аввал бажарилган ишларни ва олинган маълумотларни танқидий таҳлил қилиш керак.

Қайд этилган масалаларни хал этиш учун ОГТ материалларини қайта интерпретация қилишдан мақсад қуйидагича:

1. Дала ишлари методикасини таҳлил этиш ва умумлаштириш.

2. Аввалги йилларда бу худудда олиб борилган изланишлар материалларини қайта интерпретация қилиш.

3. Олинган ОГТ сейсморазведка материалларини тезлик билан интерпретация қилиш ва бунда ОГТ қидирув сейсморазведка ишларининг кейинги йўналишини белгилаш учун қайта интерпретациядан олинган маълумотларни ҳисобга олиш.

4. МОГТ сейсморазведка материалларини қайта интерпретация қилиш методикасини такомиллаштириш ва структураларда нефть ва газ борлиги истиқболларини аниқлаш.

5. Иш давомида топилган объектларда уларни келгусида ўрганиш мақсадида ОГТ қидирув – сейсморазведка ишларининг йўналиши ва методикаси бўйича бир қанча тавсиялар берилади.

2.3. Кинематик ва статистик тузатмаларни корреляцияси қилиш ва кiritиш.

Кинематик ва статик тузатишлар коррекцияси стандарт усуллар асосида олиб борилади.

Технологик занжирни ишлатиб, динамик жиҳатдан ифодаланган материални олгач, кинематик тузатишлар коррекциясига киришилади.

Априори кинематик тузатишларни ҳисоблаб чиқиш учун асос қилиб $Vort=f(t_0)$ эгри чизиклари олиндики, улар аввалги йиллар материалларини ҳамда ўрганилаётган майдонларда бурғи кудукларини сейсмик ўрганиш материалларини қайта ишлашда қўлланилади.

Кинематика коррекциясида бир - бирини тўлдирган ҳолда умумлаштиришнинг оптимал тезлик эгри чизигини топиш имконини берадиган программалар комплекси ишлатилади.

Тезлик файли визуализацияси программаси – DISVI, тезликлар кутубхонаси LIBRI У1 ва мютинг кутубхонаси LIBRI MU қўлланиладиган FANMO программаси ишлатилди. Вақтнинг ҳамма нуқталарида тезликларни олиш учун чизикли интерполяция ишлатилади.

Шунингдек, VSCAN – тезликларни ўрганиш ва доимий тезлик билан бирлаштириш программаси ишлатилади.

Бу модуль кинематик тузатишларни бутун бир профилга ёки унинг

қисмларига нисбатан қўллади ва “П” доимий тезликлар учун доимий тезликлар билан суммалаштиради. Программанинг қўлланиши натижасида ҳар бири маълум бир тезлик қонуни учун олинган вақтли кесимлар тузилади.

Турли тезликдаги кесимларни визуал баҳолашга кўра, оптимал суммалаштириш учун тезликлар графиклари танланади ва аниқлаштирилади.

ОГТ материалларини қайта ишлашда априор маълумотларнинг ҳақиқийлиги катта роль ўйнайдики, улар асосида бошланғич статик тузатишлар ҳисоблаб чиқилади. Ўрганилаётган майдонларда портлатиш ва қабул қилиш учун бошланғич тузатишлар ЗМС кузатувлари ва профилларни текислаш ҳақида маълумотлар асосида белгиланган. Келтириш чизиғи кесмнинг юқори қисми тузилишини, аввал ўтказилган ишлар рельефининг абсолют белгиларини ҳисобга олган ҳолда танланган. Шундан кейин умумий портлатиш ва қабул қилиш нуқталари бўйлаб вақтли кесимлар белгиланган, аввал қўлда коррекция қилиш, кейин эса SATAN программасига мувофиқ автоматик коррекция амалга оширилади.

Биринчи босқичда модул вақтинча кесимда автоматик танлашни (пикинг) (REMI) амалга оширади. Қайтарувчи горизондлар амплитуда ва майдондаги кузатилиши ўлчамларидан фойдаланган ҳолда аниқланади. Тўлқинларни автоматик белгилаш натижалари вақтинча кесимда REMI кўринишида назорат учун график дисплейга узатилади. Ҳар бир ПВ ва ПП нинг иккинчи босқичида модуль биринчи босқичдаги тўлқинларни танлашни оптимизациялаштирувчи қолдиқ статик тузатишни ҳисоблаб чиқади. Тузатишларни ҳисоблаш бу интерацион жараёни, шунинг учун SATAN модули қайта ишлатилади, бу эса дастлабки натижаларни яхшилайдди.

SATAN горизонтлар қиялигини ўзгартирмайди ва фазадан фазага ўтишни келтириб чиқармайди⁷.


2.4. Яқуний кесимларни олиш.

Дала ишлари методикасига мувофиқ барча профиллар бўйича ОГТ вақтинча кесимларининг асосий вариантлари олинади. Ҳамма вақтинча кесимлар деконволюция қилинади. Идеал манба мавжуд бўлмагани учун ҳар бир сейсмик чегарада мураккаб шаклдаги тўлқин қайтади, турли қайтиш чегараларидан қайтган тўлқин пикетлари қисман бир-бири устига ётади, деконволюция жараёни йўлдош тўлқинларни бостириш учун жуда самарали бўлиб, тўлқинлар ҳолатини яхшилаш имконини беради. Қайта ишлашнинг охирги босқичида қуйидаги вариантлар олинди: деконволюция (модуль DEKON), миграция (MIGRV), бир лаҳзали фазалар (COCON).

⁷ Statistical Methods of Geophysical Data Processing \ by Kiselev Yurii, Yurii Kiselev. Cambridge University Press, Англия, 2011

Корреляция учун асос қилиб тўлиқ суммалаштириш карралиги билан ОГТ вақтинча кесимлари олинди, шу билан бирга қайта ишлашнинг қўшимча вариантларидан (тезликларни кўчириб ўтказиш, Д- ўзгаришлар, миграция ва бошқалар) фойдаланилади.

Яқуний вақтли кесим



Назорат саволлари:

1. Кучланиш нима?
2. Деформация нима?
3. Бўйланма тўлқинлар ва уларнинг хусусиятлари?
4. Кўндаланг тўлқинлар ва уларнинг хусусиятлари?
5. Геометрик оптика нимага асосланган?
6. Тўлқин фронти нима?
7. Деконволюция нима?
8. Миграция нима?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Statistical Methods of Geophysical Data Processing \ by Kiselev Yurii, Yurii Kiselev. Cambridge University Press, Англия, 2011
2. Wallace F. Lovejoy, Paul T. Homan// Methods of Estimating Reserves of Crude Oil, Natural Gas, and Natural Gas Liquids United Kingdom, 2015, English

3-мавзу: Фойдаланиладиган замонавий компьютер комплексларининг (маҳсус ишчи станциялар, маҳсус дастурий таъминот, ташқи қурилма) қўлланилиши.

РЕЖА:

- 3.1. КГТ маълумотларини ЭХМ қайта ишлаш.
- 3.2. КГТ-ОГТ маълумотларини ЭХМда қайта ишлаш.
- 3.3. Қудуқларни ўрганишининг радиоактив каротаж усуллари.

Таянч иборалар: Каротаж, туюлувчи элект каршилик, иссиқлик ўтказувчанлик, магнитланиш, сейсмик тўлқинлар, таранг тўлқинлар, Отекстура, говаклилик, говаклар, қалинлик, эпигенез, ферромагнетизм.

3.1. КГТ маълумотларини ЭХМ қайта ишлаш.

КГТ материаллари сигнал тўлқинлик мувозанатини ошириш (тўлқин сурати структурасини қистартириш ва сейсмик тўлқинларни қисқатириш ва сейсмик тўлқинларни кинематик ва динамик характеристикаларини аниқлаш) мақсадида қайта ишланади.

Қайта ишлаш СЦС-3 КГТ-ПГР комплекси билан СЦС-3 тузимини қўллаб ПГМП тўлқин майдонида, ҳамда КГТ-ПГР, КГТ-С ва СЦС-3 РС ЭХМ тизимида бажарилади.

КГТ-С маълумотларини қайта ишлаш қуйидаги тартибда бажарилади:

1. Демультиплексация
2. Паспорт тузиш ва СЦС-3 сарлавхаларини киритиш
3. Профилларни тузатиб жамлаш.
4. СЦС-3 форматидаги маълумотларни КГТ-РС тизимида сарлавхаларни киритиш.
5. Паспорт тузиш ва КГТ-РС тизимида сарлавхаларни киритиш.
6. Статик тузатмаларни киритиш.
7. Дастлабки майдонни башорат деконволюцияси.
8. Тўлқинларни тезликлари бўйича бўлиш.
9. Битталиқ акс эттиришларни трассасини ҳисоблаш.
10. КГТ қайта ишлаш натижаларини тасаввур қилиш.

Дала магнит ленталарини ЭХМга киритиш ва демультиплексация қилиш

дала ёзмаларини ЕС ЭХМ структурасига келтириш учун зарур. СЦС-3 тизими жараёни ПГМП киритиш гурухи томонидан бажарилади.

Профил паспортини тузиш учун ва киритилган трассаларга сарлавхаларини ўрнатиш –бу жараён СЦС-3 тизимида киритилган услубятга кўра бажарилади. Зонднинг хар-бир тўхташ жойи ОГТ кузатувларини қарама-қарши тизимидек кўриб чиқилади ва битта сейсмограммани ташкил қилади. ҚМ қадами зонд ускуналари орасидаги қадамга мос келади. ҚМ ўртасидаги қадам зонд тўхташ жойлари орасидаги қадамга мос келади.

Профилларни тузатиб жойлаш. Ушбу жараён дастлабки тўлқин майдонини шакллантиришини тامينлайди.

СЦС-3 форматидаги маълумотларини КГТ-РС форматига кўчириш. КГТ маълумотларини магнит ленталардан ЭХМга киритиш сейсмик маълумотларни ЭХМда (SPS-PC) қайта ишлаш комплекси ёрдамида махсус магнитофондан фойдаланиб амалга оширилади⁸.

Паспортни тузиш ва КГТ-РС тизимида сарлавхаларни киритиш.

КГТ паспортини тузиш ўз номига эга алохида файлларда сақланадиган бўлимларни шакллантиришни ўз ичига олади. Профилнинг индикатори, чуқур қудуқ ҳақида маълумотлар, зонд ҳақида маълумотлар, портлатиш пунктлари, портлатиш қудуқлари ҳақида маълумотлар ва кузатиш услубиятининг таърифи, мос келиш рўйхати;

- Статистик тузатмалар киритиш. Ушбу жараён қайта ишлаш вақтида бўш интервални олиб ташлаш учун мўлжалланган.

- Дастлабки тўлқин майдонини башорат деконволюцияси. Ушбу жараён дастлабки материалларни ишлатади. У йўлдош тўлқинларни бартараф қилиш учун мўлжалланган.

- Тўлқинларни тезлик бўйича бўлиш.

Дастлабки майдон башорат деконволюциядан кейин тўлқинларни бўлиш жараёнига учрайди. Бу жараёндан кейин танланган йўналишдаги

⁸ Toby Darling-Well Logging and Formation Evaluation (Gulf Drilling Guides)-Gulf Professional Publishing, 2005. 335pp.

тўлқинларнинг трассаларини тузатиш имконини беради.

КГТ нинг профиллари қуйдаги тарзда қайта ишланган;

- Шаклланган дастлабки майдон бўлинишга учраган, кейин оптимал деконволюция қўлланган. Кейинчалик қайта ишлаш оддий график бўйича олиб борилган.

- Оптимал деконволюция сигнал шаклини стандартлаш мақсадида бажарилган. Бу программа учун дастлабки маълумотлар бўлиб бўлинишдан кейин олинган трассалар хизмат қилади.

- Олинган фильтр билан филтрланадиган дастлабки трассалар.

- Битталиқ акс эттиришнинг трассасини ҳисоблаш баҳолашга имкон беради. Бу программа КГТ модификацияси бўйича ишлайди.

Натижавий модификация битталиқ акс эттиришлар тўлқинларини 5-10 марта кучайтирилган файлдан иборат. Бу жараён яхши сифатга эга бўлган профилларда бажарилган.

